

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ЛОЙИХАЛАШ МЕТОДИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Оришев Жамшид Баҳодирович

*А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси
e-mail: jamshidorishev@gmail.com*

Аннотация. Ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни, жумладан, ўқув машғулоти лойиҳалаш методини қўллаш таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир. Мақолада ўқув жараёнини лойиҳали таълим асосида таъкил этишга оид услубий тавсиялар баён этилади.

Таянч сўз ва иборалар: ўқув жараёни, лойиҳа, лойиҳали таълим, лойиҳалаш босқичлари, лойиҳа турлари, тақдимот.

* * *

Аннотация. В процессе обучения применение современных педагогических технологий, в частности, методы проектирование учебных занятий важный фактор повышения качества и эффективности образования. В статье даны методические рекомендации по организации учебного процесса на основе проектного обучения.

Ключевые слова и фразы: процесс изучения, проект, проектное обучение, этапы проектирование, виды проектирование, презентация.

* * *

Annotation. During training, the use of modern teaching technologies in the above privacy, a technique of designing training sessions an important factor in improving the quality and efficiency of education. The article provides guidelines for organizing the educational process based on project-based learning.

Key words and phrases: education process, design, project training, design stages, types of design, presentation.

Лойиҳалаш методи таълим технологияларининг муҳим методларидан бири бўлиб бормоқда. Бу метод таълим олувчиларга ҳаёт тарзига мослашиш, мустақил, ижодий фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Лойиҳалаш (лот. projectus-олға ташланган фикр, ғоя, образ) номини ўзи айтиб турибдики, келажакда амалга ошириладиган ишларни режалаштириш бўлиб, лойиҳа (проект) маълум бир режалаш, ҳисоб-китоб, чизма ва бошқаларга асосланган ҳолда тавсифлаш, баён қилиш шаклида мужассамлашган ғоя, фикрнинг ифодасидир. У билдирилган фикрни моҳиятини ва уни амалга ошириш имкониятларини очиб беради.

Лойиҳалаш методи таълим жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, ўқитувчининг талабалар билан индивидуал ишлаш имконини беради.

Ўқитувчи дарс вақтидан унумли фойдаланиб, талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар билан яқка тартибда ишлайди. Бунда уларнинг касбий фанларни чуқурроқ эгаллашларига кенгроқ йўл очиб берилади. Лойиҳалаш ишларини ташкил этишда дидактик вазифанинг қўлланилиши ва уни ҳал этиш муаммолари кўриб чиқилади.

Лойиҳалаш методи таълим олувчиларни қуйидагиларга ўргатади:

-фаннинг турли соҳаларидаги билимларни бир бутун ҳолга келтириб, муаммоларни топиш ва ечиш, ахборотлар оқимида мўлжал олиш;

-фаолиятни танлаш ҳукукидан фойдаланиб, турли тахмин, ғояларни илгари суриш, тадқиқот ўтказиш, таҳлил қилиш;

-ўз фаолияти натижасига масъул бўлиш, мустақил қарор қабул қилиш, ютуқлар ва камчиликларни аниқлаш, унинг сабабларини қидириш, хатоларни топиш ва тўғрилаш;

-турли ечим, таклифларнинг натижаларини илмий тахмин қилиш (прогноزلаш);

-жамоада ишлаш, турли нуқтаи назар, фикрларнинг муҳокамасида қатнашиш.

Лойиҳалаш методини қўллаб, дарс ўтиш жараёнида ўқувчи, талабаларнинг вазифаси:

-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ, ижтимоий аҳамиятга эга ишни бажариш, маҳсулот ишлаб чиқариш, илмий-техник, иқтисодий ва бошқа муаммони белгиланган вақт давомида ечиш ёки ечиш учун таклифлар ишлаб чиқиш.

Ўқитувчининг вазифаси:

-ўқувчи, талабаларни мустақил ижодий фаолиятларини унумли бўлиши учун шароит яратиш.

Бу методни технология фанларни ўрганишдаги муҳим аҳамият шундаки, талабалар турли буюмлар тайёрлаш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг технологик хариталарини тузишни, технология фани бўйича турли танловларда қатнашиш учун лойиҳалар ишлаб чиқишни ўрганадилар. Назарий ва амалий машғулотларни қандай ташкил қилишнинг технологик харитасини ишлаб чиқиш, яъни дарсни қандай ўтказишни муфассал режасини ишлаб чиқишни, умуман олганда, ўз фаолиятларини режалаштиришни ўрганадилар.

Лойиҳалаш методини қўллаш учун биринчи навбатда лойиҳалаш объекти аниқланади. Қандай масала, муаммо мавжудки, уни ечиб лойиҳанинг натижасини қандай бўлишини белгиланади.

1. Бу ўтиллаётган мавзу бўйича қўйилган савол ёки ечимини кутаётган долзарб масала бўлиши мумкин. Лойиҳа талабаларнинг ўз хоҳишлари, кизиқишларига кўра танлаган илмий изланишлари бўлиши мумкин ёки ўқитувчи таклиф қилиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам талабалар зарур ахборотларни тўплашлари, уларни таҳлил қилишлари зарур. Таҳлил асосида қарор қабул қилиб, лойиҳа ишлаб чиқишдан мақсад қўйилади ва қандай натижага эришиши белгиланади.

2. Мақсадни аниқлагач, лойиҳанинг мазмуни белгиланади.

3. Режа асосида амалга ошириш учун вазифалар белгиланади, яъни фаолият режаси ишлаб чиқилади. Лойиҳанинг умумий тавсифи ойдинлашади. Аниқ фаолиятга асос яратилади. Лойиҳани амалга ошириш учун тузилган режа аниқ бўлиши, ҳаддан ташқари мураккаб бўлмаслиги керак. Умумий режадан ташқари ҳафталик ва ойлик режалар тузиладики, унинг асосида талаба бажарадиган ишларни янада ойдинлаштиради.

4. Лойиҳа қатнашчилари белгиланади.

Лойиҳа қатнашчилари ўз кизиқишлари, фикр доиралари билан бир-бирларига яқин, ёрдам берувчи ўқувчи, талабалар бўлиб, уларни лойиҳада қўйилган мақсад бирлаштиради.

Уларни ёнига кейинчалик бошқа қатнашчилар ҳам қўшилиши мумкин. Лекин қатнашчилар ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши салбий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун лойиҳада ҳар бир қатнашчининг бажарадиган вазифаси аниқ ёзиб қўйилади.

5. Лойиҳани амалга ошириш муддатлари белгиланади. Агарда у босқичларга бўлинса, уни ҳар бир муддатлари билан кўрсатилади.

6. Лойиҳалаш ва уни амалга ошириш босқичлари:

1-босқич: Лойиҳани ишлаб чиқиш. Унда лойиҳани амалга ошириш шакллари ва воситалари, босқичма-босқич натижалари ҳам кўрсатилади.

2-босқич: Лойиҳада белгиланган вазифалар бажарилади.

Бу босқичда талабалар мустақил равишда индивидуал ва гуруҳ бўйича қўйилган вазифаларни бажарадилар. Материал, ахборот тўплайдилар. Тўпланган маълумотларни муҳокама қиладилар. Жадваллар, графиклар ишлаб чиқадиладар. Намойиш этиладиган, иллюстратив материаллар тайёрлашади.

3-босқич. Лойиҳанинг барча қатнашчилари томонидан тайёрланган ишлар бир бутун қилиб бирлаштирилади. Аввал лойиҳанинг хонаки варианты ёзиб чиқилади. Сўнгра якуний вариант тайёрланади. Расмий талаблар асосида тахланади.

4-босқич. Лойиханинг сўнгги варианты экспертга, тақризга берилади. Бунда матн аниқ асосланган бўлиб, бажарилган ишларнинг мазмуни ва эришилган натижаларни гавдалантириши керак. Матнда, албатта, жадваллар, графиклар, чизма, дастурлар ёки шунга ўхшаш материаллар бўлиши шарт.

5-босқич. Иш тақризга берилади. Лойихага эксперт хулосаси олинади, ташқи тақриз натижасини эълон қилинган, тугалланган ҳисобланади.

6-босқич. Лойиха тақдимоти. Тақдимот лойихада бажарилиши белгиланган мезонлар асосида ҳайъат ёки комиссия аъзолари томонидан баҳоланади. Ҳайъат аъзолари таркиби лойиха ишлаб чиқиладиганлигида аниқланади. Тайёрланган “лойиха”ни кўриб чиқиб, танланиб, сўнгра тайёрланган ҳисобот кўриб чиқилади.

Ҳайъат ишни баҳолаши учун баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Бу мезонлар муаммони ўрганиш даражаси, матнни аниқ, тушунарли тарзда баён қилиниши, ўзига хослиги, расмийлаштириш сифати, кўрғазмали, намоёиш материалларидан фойдаланилгани, берилган таклифлар ва уларни муаммони ечишга ёрдам бериши ва бошқа жиҳатларини мужассамлаштирилган бўлиши керак. Дарс жараёнида кичик гуруҳлар тайёрланган лойихаларни ўқитувчи бошчилигида талабалардан тузилган ҳайъат баҳолаши мумкин.

Талабалар лойиха устида ишлаш жараёнида олган билимларидан, билиш жараёнида хизмат қилган амалий маслаҳатлардан фойдаланишса, мустақил таҳлилий фикр юритишга ўрганадилар. Уларда янги ғоялар топиш, ижодий фикрлашга, тўғри стратегия танлаш, аниқ масала-муаммоларни ечиш кўникмаси ҳосил бўлади. Бунда ўқитувчи уларнинг ишини кузатади, маслаҳатлар беради, қўллаб-қувватлайди.

Индивидуал усулнинг лаборатория усулидан фарқи, талабалар ўз фаолияти давомида олган билимларидан фойдаланиб, амалий вазифани ҳал этишга ҳаракат қилади. Ушбу усул талабалар билимини чуқурлаштиради, маҳоратини оширади, шунингдек, уларнинг ўрганиш фаолиятини янада кучайтиради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустаҳкам билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбга тўғри йўналтиришда лойихалаш методидан фойдаланиш давр тақозоси ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1.Бозорова С. Олий таълимда касбий йўналтирилган ўқитиш технологиялари. Монография. Тошкент. 2006. 112 б.

2. Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолтятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. Тошкент. 2015. 80 б.

3. Махмудов М. Таълим натижасини лойиҳалаш // Педагогик маҳорат. №1. 2003. Б. 8-10

4. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тдбиқий асослари. Тошкент. Фан. 2006.

5. Краля Н.А. Метод учебных проектов как средство активизации учебной деятельности учащихся. Россия. Омск. Издательство ОмГУ. 2005.- 59 с.

6. Ломакина О.Н. Этапы проектирования деятельности // Высшее образование в России. 2003. №3 С.168-171.

7. Тўрақулов Х. А., Оришев Ж.Б. Лойиҳали таълим – таълим самарадорлиги гарови // Таълим тизимида ижтимоий - гуманитар фанлар. Илмий–услубий журнали. Тошкент, № 3-4, 2011. Б.38-41

8. Оришев Ж.Б. Ўқув машғулоти лойиҳалаш ва уни амалга ошириш босқичлари // Касб–хунар таълими. Илмий–услубий журнал. Тошкент, № 5 2013. Б. 2-4

9. Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.

10. Orishev, J. (2020). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГЛИК МАСЪУЛИЯТИ . *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, 1(1).

11. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)

12. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(08), 3669-3677.

13. Оришев, Ж. Б. (2019). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Интернаука*, (43-2), 70-72

14.Туракулов, Х. А. (2005). ва бошқ. Математика дарсларида инновацион услублар.

15.Туракулов, Х. А. (2007). Педагогик тадқиқотларда ахборот тизимлари Ра технологаялари. *Т “Фан”, 248.*

16.Туракулов, Х. А., & Мукимов, М. О. (2013). Обеспечение информационной образовательной среды и возможности ее использования в практике. *Актуальные проблемы современной науки*, (3), 100-102.

17.Туракулов, Х. А. (2007). Илмий ижодиёт методологияси. *Т.:Фан, 252.*

18.Туракулов, Х. А. (2011). ва бошқ. *Илмий тадқиқот асослари.-, Т.:Fan va texnologiya, 484.*

19.Хасанбоев, Ж., Туракулов, Х. А., Хайдаров, М., Хасанбоева, О., & Усмонов, Н. У. (2009). " Педагогика фанидан изохли лугат".

20.Мамажонов, К. А. (2019). ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШДА КОРХОНАЛАР БИЛАН ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ. *Интернаука*, (20-3), 57-58.

21.Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)

22.Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)

23.Orishev, J., & Оришева, З. (2021). “METROLOGIK O’LCHOVLAR” MAVZUSINI O’QITISHDA NOSTANDART TESTLARDAN FOYDALANISH . *Физико-технологического образование*, 2(2).

24.Orishev, J. (2020). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГЛИК МАСЪУЛИЯТИ . *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, 1(1).

25.Убайдуллаев, С., Алибоев, Т.Ч., & Оришев, Ж. Б. (2020). МАТЕРИАЛЛАРНИ КЕСИБ ИШЛАШ АСБОБЛАР ВА ДАСТГОҲЛАР ФАНИДАН АМАЛИЙ-ЛАБОРОТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСЛУЛАРИ .*Научное знание современности*, (11), 26-29.

26.Алибоев, Т., Оришев, Ж., & Орипова, Ф. (2016). РАЗВИТИЕ ТЕХНИЧЕСКОЕ ТВОРЧЕСТВА СТУДЕНТОВ НА УРОКАХ.

In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1681-1683).

27.Оришев, Ж. Б. (2019). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Интернаука*, (43-2), 70-72

28.Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Аришев, Ж. (2017). ГАРАНТИИ ВНЕДРЕНИЯ НОВОЙ ТЕХНИКИ ПО ЭКСПЛУАТАЦИОННЫМ ПАКАЗАТЕЛЯМ. In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 1242-1245).

29.Убайдуллаев, С., Оришев, Ж. Б., & Ортикова, О. Ш. (2019). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА" ДАРСЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАНАФФУС" ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ. *Интернаука*, (20-3), 62-63.

30.Низомов, Ш., & Оришев, Ж. Б. (2020). МЕТАЛЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Научное знание современности*, (2), 48-52.

31.Тагаев, Х., Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. Б. (2016). ПОВЫШЕНИЕ ПАТЕНТНЫХ ЗНАНИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ. In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1776-1780).

32.Orishev, J. (2020). Ёшларни касбга йўналтиришда шарқона қарашлар ва педагогик масалалар. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

33.Orishev, J. (2020). The use of information and communication technologies in the educational process. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

34.Orishev, J. (2020). Criteria for assessing practical work in higher education. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

35.Orishev, J. (2020). Роль информационных технологии в подготовке будущих учителей технологического образования. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

36.Orishev, J. (2020). Project Education is a guarantee of educational effectiveness. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

37.Orishev, J. (2020). Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ўстиришга баъзи мулоҳазалар. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

38.Orishev, J. (2020). Ахборот технологиялари: таълим, касбий тайёргарлик ва сифат. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

39.Orishev, J. (2020). Таълим жараёнини лойихалаштириш компонентлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.